



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 31 октябрь, № 223 (8846)

Пайшанба Сайтизмизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:

КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ВА ЮКСАК САЛОҲИАТ

Президентимиз ҳар гал жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бориши билан танишар экан, ҳудудлар имкониятидан келиб чиқиб янги корхоналар ташкил этиш, иш ўринлари яратиш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф қилиш борасида қатор вазифалар белгилаб, янгиланишлар суръатига шиддат беради. Шу маънода, бугун Навоий вилоятидаги ўзгаришларга назар ташлайдиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташрифи самараси ўлароқ иқтисодий тармоқларини ривожлантириш кўлами кун сайин кенгайиб бораётганини кўриш мумкин. Пировардида 1 млн. 100 мингга яқин аҳоли яшайдиган вилоят аҳли “эртага эмас, бугун яхшироқ яшаш керак” деган тамойил ифодасини ўз ҳаёти мисолида янада теран ҳис қилмоқда.



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар



Сойлар сўйлар ажиб эртагин...

Нурота туманининг Қизилча қишлоғи Қоратоғ этақларида жойлашган. У ўтган асрнинг ўттинчи йилларида қорақўлчиликка ихтисослаштирилган давлат хўжалигининг маъмурий маркази сифатида ташкил этилиб, аҳолиси яқин атрофдаги қишлоқлардан кўчиб келган. Қишлоқдан

ўн чақиримча Фарба Пистали деб аталувчи тепалиқлар, Қизилқум музофоти ҳадини белгиловчи сойлар ястаниб ётибди. Айни кўламда ушбу кенгликлар чунонам чирой очадикки, у қизилчалик шоир Муҳаммад Ражабга “Тоғлар кийди гулдор кўйлагин, Сойлар сўйлар ажиб эртагин...” деган мисраларни битишга илҳом берган бўлса, ажаб эмас.



Мушоҳада

ЁРҚИН КЕЛАЖАК УЧУН «АҚЛИ» ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Жорий йилнинг 13 август куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев сунъий интеллект ва IT соҳаларидаги стартап лойиҳаларни ривожлантириш чора-тадбирларига доир тақдимот билан танишар экан, юртимизда ушбу тармоқларни янада юксалтириш ва янги босқичга олиб чиқиш хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Бунда Президент томонидан соҳага доир мустақкам қонунчилик базасини яратиш, сунъий интеллектни жорий этиш стратегияси ҳамда ўрта муддатли лойиҳалар дастурини ишлаб чиқиш каби қатор муҳим вазифалар белгиланди. Шунингдек, сунъий интеллект технологиялари марказини ташкил қилиш бўйича муҳим топшириқлар берилди. Сунъий интеллектни иқтисодиётимизга кенг жорий этиш, жумладан, банк-молия соҳасида ундан фойдаланишни янада ривожлантириш, бунинг учун етук рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Қайд этиш жоизки, Юртбошимиз ташаббуси билан 2021/2022 ўқув йилида битта олийгоҳда, кейинчалик эса яна 3 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект бўйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Аммо бугунги кунда соҳада катта маълумотларни қайта ишлаш ва тил моделлари бўйича деярли 600 нафар мутахассисга талаб мавжуд. Тақдимот чоғида Президентимиз шуларни ҳам инобатга олиб соҳалар кесимида талабга мос мутахассислар тайёрлаш ва уларни сифат жиҳатдан ҳар йили ошириб бориш муҳимлигини таъкидлади.

Сунъий интеллект нима?

Хўш, сунъий интеллект ўзи нима? Жаҳон мамлакатларида у қай даражада ривожланмоқда? Инсониятнинг ҳаёти келгусида сунъий интеллектга боғлиқми?

Кейинги йилларда сайёрамизда юз берган турли беқарорлик, эртанги кунда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ва иқтисодий инқирозлар, экологиянинг кескин ўзгариши инсоният турмуш тарзини сезиларли даражада ўзгартириб юбормоқда. Натижада одамзод яшаб қолиш учун ўзига керакли бўлган шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг оқибатида ҳаётимизга “Сунъий интеллект” (AI), “3D модель”, “интернет буюмлар” (IoT), ҳайдовчисиз бошқариш, блокчейн, иммунотерапия каби мутлақо янги тушунча ва технологиялар кириб келмоқда. Улар яқин келажақда дунёни тубдан ўзгартириб юборадиган янгилик сифатида баҳоланмоқда.



Аграр ва сув хўжалиги:

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Аграр тизими нафақат аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, балки саноатнинг кўпгина соҳаларини хомашё билан таъминловчи муҳим тармоқлардан саналади. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда ушбу секторга инвестицияларни жалб қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар этиштиришни рағбатлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Таҳлил

Ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини яратиш мақсадида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси бугунги кунда соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва инновацион технологияларни қўллаш каби қатор устувор масалаларда дастуриямал бўлиб хизмат қилаётир. “Ўзбекистон — 2030” стратегия-

сида ҳам қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим вазифа сифатида ўрин олган.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳасида тизимли ислохотлар рўйбга чиқарилаётгани, соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб борилаётгани натижасида мамлакатда қулай агробизнес муҳити шаклланиши алоҳида қайд этиш жоиз. Деҳқон ва фермерлар оғири енгиллаштирилиб, иш ўринлари яратилди. Масалан,

200 минг гектар пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, юртдошларимизга танлов асосида берилгани ҳисобига 2 миллиондан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси ҳам беш йиллик фаолияти давомида ушбу йўналишда самарали иш олиб борди. Ҳисобот даврида кўмитамиз томонидан қишлоқ хўжалигига оид ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш, соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни жадаллаштириш ҳамда таъсирчан парламент назоратини олиб боришга устувор аҳамият қаратилди.



Факт ва рақамлар

«АЁЛЛАР, БИЗНЕС ВА ҲУҚУҚ» WBL ИНДЕКСИ ТАҲЛИЛИ

WBL индекси Ўзбекистон учун устуворлик касб этган халқаро рейтинглар рўйхатига киритилган.

2024 йилда иккита янги кўрсаткич жорий этилди:

● «эўравонликдан хавфсизлик»;

● «болалар парварishi хизматларидан фойдаланиш имконияти».

Манба: Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази.



Анжуман

Марказий Осиё ёш етакчиларининг муҳим платформаси

Пойтахтимизда “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё ёш етакчилари конференцияси: Барқарор сув ҳаракати парадигмасини ўзгартириш” мавзусида икки кунлик минтақавий форум бошланди. Конференция Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили ва Халқаро Нордик университет томонидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Конференция сув ресурсларини бошқариш ва халқлар ўртасидаги алоқаларнинг муҳим мавзулари бўйича Европа Иттифоқи — Марказий Осиё “Йўл харитаси” ижроси доирасида минтақанинг бешта давлатидан 100 нафарга яқин ёшларни ўзида жамлади. Анжуманда талабалар, ташаббускор ёшлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари вакиллари, тадқиқотчилар, ёш сийосатчилар, экспертлар қатнашмоқда.

Унинг очилишида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Шавкат Хамроев, олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов, Қозғистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Сулфия Сулейменова, Тожикистон Республикаси энергетика ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Жамшед Шоимзода нутқ сўзлади.

Европа Иттифоқи — Марказий Осиё ёш етакчилари конференцияси минтақа ёшларини ҳамкорликка жалб этиш ҳамда уларни тинглаш, кун тартибидеги мавзуларни тарғиб қилиш имкониятини беради. Хусусан, тадбир орқали Бар-

қарор сув ҳаракатига ёшлар эътибори жалб этилади. Конференция Марказий Осиё ва минтақалар бўйлаб минтақавий мулоқот ҳамда шерикликни кучайтиради, шунингдек, иқлим барқарорлиги ва сув ресурсларини бошқариш бўйича ҳаракатларини тушунишни таъминлайди.

Конференция олий даражали панель ва барқарор сув ҳаракати бўйича Европа Иттифоқи — Марказий Осиё ҳамкорлиги ҳамда Марказий Осиёдаги сув инқирозини ҳал қилишда ёшларнинг ролига бағишланган тематик сессияларни, шунингдек, бир неча интерфакс семинарларни ўз ичига олади. Уларда иштирокчилар сувдан фойдаланиш самарадорлиги, тежамкорлик ва сув дипломатияси каби ўзаро манфаатли мавзуларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Ушбу анжуман Марказий Осиёнинг ёш етакчилари учун сув билан боғлиқ муаммолар бўйича ўз нуктаи назарларини билдириш учун платформа бўлиб хизмат қилади ҳамда кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ва фикр алмашишга ёрдам беради.

Сўз — конференция иштирокчиларига

Тери ХАКАЛА,
ЕИнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили:

— Ўзбекистон — ёшлар мамлакатидир. Аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Минтақа аҳолисининг катта қисми ҳам Ўзбекистонда жойлашган. Шунинг учун биз ушбу анжумани Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилдик. Ўзбекистон Марказий Осиёда иқтисодий имконияти кенг, Европа Иттифоқи таркибидеги давлатлар билан фол, конструктив мулоқот олиб бораётган мамлакат ҳисобланади. Айтиб ўтишим жоизки, кейинги йилларда биргаликда яхши натижаларга эришдик. 2022 йил Самарқандда ўтган тадбирлар ўзаро алоқани тубдан ижобий тарафга ўзгартирди дейиш мумкин. Айни тажриба асосида бу йил ҳам қутилган муваффақиятларга эришмоқчимиз. Умуман, Марказий Осиё билан ҳамкорликни, икки минтақа манфаати учун хизмат қиладиган юқори даражадаги тадбирларни муҳим ташаббуслар, лойиҳалар билан бойитишда давом этамиз.



Ўзбекистон Марказий Осиёда энг яхши натижаларни кўрсатди:

■ 2024 йилда Ўзбекистон энг катта муваффақиятларга эришган 5 та давлат қаторига кирди.

■ 2022 йилдан 2023 йилгача 4 та ислохот амалга оширилган бўлиб, улар иккита кўрсаткич: “меҳнат қилиш” ва “никоҳ”га таъсир кўрсатди, бу эса рейтингда 11,9 пунктга — белгиланган 100 баллдан 82,5 баллгача кўтарилишига олиб келди.

Аграр ва сув хўжалиги:

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўтган даврда кўмитамиз қонун ижодкорлиги йўналишида 49 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди ва улардан 45 таси қабул қилинди. Қолаверса, кўмитамиз аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 7 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

“Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”, “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, “Томорқа хўжалиги тўғрисида”, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида” каби қонунлар шулар жумласидан.

Биргина “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун йиллар давомида турли сабабларга кўра тўла-тўқис қонуний ҳужжатларга эга бўлмаган ҳолда қурилган уй-жойлар ва ер участкаларини ҳуқуқий эътироф этилишига имкон берди.

Унга кўра 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар яқка тартибдаги, уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчилик билан эгаллаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқлар тан олинди. Ушбу вақтга қадар фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга эса кўчмас мулкларга нисбатан ҳуқуқлар берилди.

Кўплаб оилалар ҳаётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжат узоқ йиллар мо-

байнида одамларни қийнаб келган уй-жойга эга бўлиш борасидаги долзарб муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Бугунги кунда ушбу қонун ҳалқимиз, тадбиркорларимиз ва мулк эгалари томонидан илиқ кутиб олинмоқда.

Кўмитамиз масъуллигида қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат — “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги Қонун бўлди. Ушбу ҳужжат билан томорқа хўжаликларини юриштириш ташкиллаштириш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди. Хусусан, мазкур қонунда шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юриштириш учун фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, томорқа хўжаликларини юриштириш ташкил этиш ҳамда уларни ривожлантириш соҳасидаги республика ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларининг вазифалари белгилаб қўйилди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда республикамизда 5,5 млн дан ортиқ томорқа хўжаликлари 590 минг гектар ер майдонларида фаолият юритаётган бўлиб, улар томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқимиз дастурхонининг тўқинлигини таъминламоқда.

“Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун билан эса дехқон хўжаликларига кўплаб имтиёз ва имкониятлар берилгани эътиборга молик. Бундай шароитлар илгари дехқонлар, қишлоқ хўжалиги ерлари эгалари учун фақат оразу бўлган бўлса, бугун уларда янги ўзбекистонда яратилаётган ана шундай кўплаб имтиёزلардан унумли фойдаланиб, ўз дехқон хўжаликларини янада ривожлантириш, ҳеч кимга қарам бўлмаган ҳолда эркин фаолият юриштириш имконияти пайдо бўлди.

Қувонарлиси, ушбу қонун асосида сув таъминоти яхши бўлган пахта ва

галладан қисқартирилган 253 минг гектардан ортиқ ер майдонлари 863 мингга яқин фуқароларга дехқон хўжалиги ташкил этиш орқали сабзавотчилик, полиз, дуқакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун 30 йилга ижарага берилди. Бу ерларда оилавий

Ушбу қонун билан Ер кодексига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Йиллар тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида” ҳамда “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш


шахсга ўтказишига, қишлоқ хўжалиги ерларининг бозор активига айланишига хизмат қилади.

Шу ўринда “Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун билан декабрь ойининг иккинчи яқшанбаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини эътибор қилиниши алоҳида қайд этиш жоиз. Бу ушбу тизимда фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларнинг машаққатли меҳнатларини қадрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижаси, десак янглишмаймиз.

Ўтган даврда кўмитамиз томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш, томорқа ва уй хўжаликларига имкониятларини кенгайтириш, аҳолини маҳсулот ишлаб чиқаришга ўргатиш, яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда дехқон хўжаликларининг улушини ошириш, сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланишга оид ишлар устидан таъсирчан парламент назоратини олиб боришга ҳам масъуллик билан ёндашилди.

Назорат-таҳлил фаолиятимиз доирасида 84 та тадбир ўтказилди. Жумладан, кўмитамиз аъзолари жойларга чиққан ҳолда “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, “Ўсимликлар карантини тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ҳамда “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибда ўрганди. Аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли мутасаддиларнинг ахбороти кўмита мажлисларида етиштирилди.

Бундан ташқари, сайловчилар томонидан кўтарилаётган масалалар ва жойларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ҳамда муаммоларга мутасаддилар эътиборини қаратган ҳолда парламент назоратининг таъсирчан шаклидан



тадбиркорлик ривожлантириб, кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуқакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳалари қўллаб-қувватланиб, эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланмоқда.

Кўмитамиз масъуллигида қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шафқатли таъминлашга қаратилган ислохотларнинг ҳуқуқий асоси яратилишига замин бўлди.

тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, эндиликда талабгор жисмоний ёки юридик шахсга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш фақатгина электрон онлайн-аукцион воситасида амалга оширилиши назарда тутилди.

Шубҳасиз, ушбу ҳужжат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга беришда турли бахсли мезонларга барҳам берди. Яъни барча учун тенг бўлган электрон онлайн-аукцион савдolari жорий этилишига, ер участкаларини ижарага олишга имконият берилди.

Ушбу ҳужжат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга беришда турли бахсли мезонларга барҳам берди. Яъни барча учун тенг бўлган электрон онлайн-аукцион савдolari жорий этилишига, ер участкаларини ижарага олишга имконият берилди.

унумли фойдаланилди. Кўмитамиз ташаббуси билан давлат органларининг мансабдор шахсларига 6 та парламент сўрови юборилди.

Чақирик даврида кўмитамиз Қонунчилик палатасида ўтказилган 6 та “парламент эшитиш”ни ҳамда 4 та “ҳуқуқмат соати”ни ташкил этишга ташаббускор фракция билан биргаликда масъул бўлди.

Кўмита аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан 97 та депутат сўрови юборилди.

Хисобот даврида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва жойлардаги муаммоларни барқарор этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кўмита номида келиб тушган 2197 та мурожаат белгиланган тартибда қўриб чиқилди ва уларнинг аксариятига ижобий ечим топилди.

Аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг қабуллари ҳам уюшқоқлик билан олиб борилди. Жумладан, турли масалалар юзасидан 607 нафар жисмоний ва юридик шахс вакиллари қабули ташкил этилди. Улар томонидан 528 та масала кўтарилган бўлиб, аксарият мурожаатлар депутатлар сўй-ҳаракати натижасида ўз ечимини топди.

Иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бири бўлган аграр соҳада кейинги йилларда амалга оширилаётган тўв ислохотлар бугун ўз натижаларини бермоқда. Ўз навбатида, кўмитамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган давлатимиз сиёсатини рўёбга чиқаришда фаол ва ташаббускор бўлиб, олдида қўйган мақсадларига эришти, десак, янглишмаймиз. Шубҳасиз, кўмитамиз аграр тармоқда олиб борилаётган ислохотларнинг том маънодаги фаол иштирокчиси бўлиш учун бор салоҳиятини ишга солган ҳолда фаолиятини янада тақомиллаштириб бораверади.

Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси.

Марказий Осиё ёш етакчиларининг муҳим платформаси



Яна бир гап. Аввало, Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг алоҳида бир қисми сифатида ҳурмат қилишимиз. Қолаверса, Ўзбекистон минтақадаги муаммоларни, хусусан, сув билан боғлиқ вазиятнинг яхшиланиши учун самарали ечим топишга ҳаракат қилмоқда. Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақасидаги барча ҳудудлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган. Энг муҳим йўналишлардан бири сифатида атроф-муҳит, сув ресурслари ва иқлим ўзгариши каби соҳаларда қатор ижобий натижаларга эришганимиз, кўплаб минтақавий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу сайёҳаракатлар изчил давом эттирилади. Ўйлайманки, ўтказилаётган бу сафарги анжуман ҳам сув муаммоларини ечиш, ёшлар эътиборини ушбу долзарб масалага қаратиш имконини беради.

Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон сув хўжалиги вазири:

— Ўтказилаётган тадбирда минтақамизнинг барча мамлакатидан иқтидорли, билимга чанқоқ ёшларнинг иштирок этаётгани бизни қувонтиради. Сув тақчиллиги шароитида минтақамиз келажак қандай бўлиши уларни ҳам ташвишга соляпти. Ҳақиқатан ҳам, дунё миқёсида сув тақчиллиги яққол сезилмоқда. БМТнинг сўнгги ҳисоботларига назар солиш, дунё мамлакатлари ярмининг чучук сув тизимлари бузилган. Чучук сув экотизимлари, жумладан, дарёлар, кўللар ва сувли қатламлар камайиб, таназзулга юз тутмоқда. Глобал иқлим ўзгариши натижасида оҳирги 50 — 60 йил давомида Марказий Осиёда музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. 2050 йилга бориб чучук сув тақчиллиги минтақамизда ялли ички маҳсулотнинг 11 фоиз пасайишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимиздаги сув ресурсларининг 20 фоиз ўзимизда, қатта қисми қўшни давлатларда шаклланади. Иқлим ўзгариши оқибатида сув манбалари йил сайин камайиб бормоқда. Транс-чегаравий дарёларни бошқариш бўйича вазият ҳам жиддий. Мана шундай шароитда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сувдан оқилона фойдаланиш, уни тежамкорлик билан ишлатиш, тизимни рақамлаштириш, томчилаб суғориш технологияларини оммалаштириш тажрибалари минтақа мамлакатларида кенг қўлланила бошланди.

Боз устига бундан 30 — 40 йил аввал яратилган инфратузилма жиддий модернизацияни талаб қилади. Сув ресурслари билан таъминланиш камайиб, янги объектлар ва аҳоли сони кўпайиб бормоқда. Бу эса сув ресурсларининг янги миқдори ва сифатини талаб қилади. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра 2030 йилга бориб бизга 7 млрд. кубометр сув етишмайди. Сувдан оқилона фойдаланиш зарур. Канал ва ариқларни бетонлаш ҳам муҳим.

Бизнингча, сув ўткир масалага айланган ҳозирги вазиятда барқарор сув ҳаракати парадигмасини ўзгартириш мақсадида ўтказилаётган минтақавий конференция кўп томонлама мулоқот асосида ижобий натижаларга эришиш, эртанги кун эгалари бўлган ёшлар эътиборини мавзуга қаратиш, умумий тараққиёт учун шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий ечимлар ишлаб чиқишда айна мударра бўлди.

Марта Сарагоса НАВАРРО,
Жаҳон ёшлар парламенти
глобал сув тарғиботи бўйича раҳбари:

— Анжуманда ёшларни эртага ўзимиз кўришни истаган дунёни шакллантириш жараёнига қан-

дай жалб қилиш мумкинлигини, шунингдек, айна йўналишда илгари сурилган ташаббусларни муҳокама қилдик. Кўплаб минтақаларда сув инқирози кузатилаётган бир пайтда олимлар ва сиёсатчиларнинг янги коалицияларини қўряпмиз. Умид қиламизки, бугун ҳаракатдаги ёш етакчиларни эртага юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятга тайёрлаш оламиз.

Мен ўз чикишимда ўзбек ёшларининг мамлакат бўйлаб ечимларни татбиқ этиш, сувдан оқилона фойдаланиш, маҳаллий санитария иншоотларидан фойдаланиш имконияти ҳақида гапирдим. Умуман, ушбу форум орқали илгор тажрибани ўртоқлаш, шунингдек, Ўзбекистон соҳа тараққиёти учун нималар тақлиф қила олиши, халқаро миқёсдаги сайё-ҳаракатга қандай ҳисса қўиши мумкинлигини билиб олаймиз.

Шунингдек, сув ресурсларини тўғри бошқариш бутун дунёда, жумладан, Марказий Осиёда ҳам жуда долзарб. Ўйлайманки, сув муаммосини ҳал қилишда кўпна китба тажрибаси минтақа учун фойдали. Шунинг учун Марказий Осиё учун сув энергетикаси ва иқлим масаласига доир Европа жамоаси ташаббусини мазкур конференция орқали тарғиб қилмоқчимиз. Бу жараёнга ёшларни жалб этиш жуда муҳим, чунки Марказий Осиё аҳолисининг қатта қисмини айнан ёшлар ташкил қилади.

Асхат ОРАЗБАЙ,
Орлни кутқариш халқаро жамғармаси
ижроия кўмитаси раиси:

— Урбанизациянинг давом этиши, иқлимнинг иссиши ва иқтисодий ўсишга бўлган талаблар минтақанинг чекланган сув ресурсларига босимни кучайтиради. Қишлоқ хўжалигида сувдан са-

марасиз фойдаланиш энг катта ташвиш туғдирмоқда. Марказий Осиёнинг кўп қисми экспорт учун боғдорчилик маҳсулотларини етиштиришга яроқли юқори сифатли тупроқларга бой, бироқ қишлоқ хўжалигининг кўпчилиги кам қийматли, сувни кўп талаб қиладиган экинларга мўлжалланган бўлиб, сувдан самарасиз фойдаланиш унинг иқтисодий унумдорлигини чеклайди. Бу бирлашган омиларнинг барчаси салбий оқибатларга олиб келади.

Марказий Осиёда исси глобал ўртача кўрсаткичдан ошиши кутилмоқда. Натижада ҳалдан ташқари сув тошқини ҳамда қурқоқчилик кучайиши ва улар билан бирга умумий сув тақчиллиги ортиши кутилади. Мутахассисларнинг башират қилишича, сув инқирози озик-овқат тақчиллиги ва ижтимоий беқарорликка олиб келиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президентининг бу йўналишдаги ташаббусларини олқишламоқ жоиз. Айниқса, Оролбўйидаги аҳолини яхшилаш борасида. Орол денгизини аввалги ҳолатига қайтаришнинг иложи йўқ. Аммо Ўзбекистон ҳукумати Оролбўйи ва Орол денгизи муаммоларига миллий ҳамда жаҳон миқёсида катта эътибор қаратяпти. Орол денгизининг қуриб қолган ҳудудда ҳар йили ўрмонлар барпо этилмоқда. Оролбўйи ва қуриб қолган денгиз ҳудудда яратилган “яшил қоплама”нинг катта қисми саксовулдан иборат. Ушбу чора ҳам тоза ҳавони таъминлашга ёрдам беради. Тўрт йиллик саксовул ўсимлиги бир гектар майдонга 1158 кубометр кислород чиқаради. Ўзбекистон ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилди, шунингдек, БМТнинг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюцияси қабул қилинди.

Кўрилан чора-тадбирлар натижасида иқлим таъсирини юмшатиш кузатишмоқда. Бу ҳудудда қазилган ўнлаб артезиан кудуқларидан сув кўтарилиши тўғрисида сўнгги кўп йиллар пайдо бўлди. Атрофда қамишзорлар, дарактлар ва буталар ўсган. Асосийси, нуфузли анжуманда Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёдан сув масалалари бўйича етук мутахассислар ва экспертларнинг маърузалари, долзарб муаммо ечимига бағишланган тавсиялари билан чиқишлари ўрин олгани ва унда ёшларимизнинг иштирок этаётгани аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, анжуман минтақамиз эртаси билан боғлиқ сув ва экологияга оид муаммоларини ҳал этиш учун сайё-ҳаракатларни бирлаштиришда муҳим омил бўлади. Марказий Осиёнинг ёш етакчиларига сув билан боғлиқ муаммолар бўйича ўз нуқтаи назарларини билдириш учун платформа бўлиб хизмат қилади. Кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ва фикр алмашишга ёрдам беради.

«Халқ сўзи».

Туризм



ХИВАДА САЙЁҲЛИК ҚўПАЯДИ

Узоқ тарихга эга, бағрида кўплаб меъморий ёдгорликларни сақлаб қолган қадимий Хива шаҳрига маҳаллий ва хорижий сайёҳлар қизиқиши ҳамда ташриф буюраётганлар сони йил сайин ошиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, музейлаштириш ишларини янада тақомиллаштириш ва сайёҳлик йўналишини сонини кўпайтиришни тақозо этмоқда. Зеро, Ичан қалъадагина эмас, Дижон қалъа ва ундан ташқарида ҳам меҳмонларга манзур бўладиган тарихий манзиллар етарлича.

Яқинда “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл урилди, яъни Дижон қалъадан унча узоқ бўлмаган ҳудудда жойлашган хон қароргоҳи ҳисобланмиш “Қибла тозабоғ” тарихий-меъморий мажмуаси ҳамда вазири ақбар Ислмуҳжаб ёғзи ҳовлисида музей бўлимлири ташкил этишга киришилди.

Айни кунларда ушбу ёдгорликларда таъмирлаш ишлари бошланди. Музей-қўриқхона илмий ходимлари республикамиздаги малакали мутахассислар, жумладан, Нукус шаҳридаги И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи директори Т. К. Мкртчян билан ҳамкорликда замонавий технологиялар ва илгор тажрибаларни қўллаган ҳолда музейлаштиришга доир режалаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Янги музейларнинг ишга тушиши келгусида сайёҳлик йўналишини сонининг кўпайиши, воҳода туризм имкониятларининг ошиши, шунингдек, жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатимизга эътибори кучайишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТ



Бугун ушбу ҳудудда эртақларга хос манзарани кузатиш мумкин. Улкан бурғиллаш ускуналари, баҳайбат экскаватор ва автогадгарч ҳамда маъдан юкларига ҳаракатланиб, мазкур кенгликлардаги ноёб жавоҳирни ўзлаштиришга киришди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Пистали" қонида таркибидан олтин бўлган маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш комплексини қуриш (6-ГМЗ) инвестиция лойиҳасининг техник-иктисодий асосланишини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари асосида 2023 йил 6 январда олтин маъдан таналарини очиб унун илк портлатиш ишлари амалга оширилиб, дунё кончиликлари саноатида яна бир йирик лойиҳага старт берилди.

Бугунги кунда "Пистали" қонидан қазиб чиқарилган тоғ жинслари ҳажми 17 миллион кубометрдан ошди, — дейди кон бош муҳандиси Рамиш Қудратов. — 2023 йилда 10,5 миллион кубометр тоғ жинси қазиб чиқарилиб, режа 110,2 фоизга бажарилган бўлса, 2024 йил учун тоғ жинсларини қазиб олиш режаси 14 млн. кубометр этиб белгиланган. Жорий йилнинг биринчи ярмида қарийб 7,5 млн. кубометр тоғ жинслари қазиб олинди, режа кўрсаткичлари 117 фоизга уддаланди.

Бугун "Пистали" саноат майдонида қарийб бир ярим минг нафардан зиёд ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимлар фаолият кўрсатяпти. Кон ва янги завод учун барча турдаги ишчи-ҳодимларни танлаш ва тайёрлаш ҳақида сўз бораркан, хавфли юкларни ташинишга мўлжалланган автомобилларни бошқариш, оғир юк ташувчи қарьер автогадгарчларини бошқариш ҳуқуқларини берувчи мақсадли уч йўналиш бўйича 70 нафардан зиёд ҳайдовчилар турдош касбларга ўқитилганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, бирор касбга эга бўлмаган 59 нафар фуқаро вилоятдаги "Ишга марҳамат" мономарказида кимёвий таҳлил лаборанти, таъмирловчи-чилангар, автомобилларни таъмирлаш чилангари, электромонтёр касбларига ўқитилган, "1-ГМЗ" кон бошқармасида ишлаб чиқариш тажрибасини ўтаб, ишга қабул қилинди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда устувор тутилган ижтимоий адолат ва инсон қадрни таъминлашга танган ҳолда янги кон ва корхонага ишга қабул қилишда Нурота тумани ҳокимлигининг тавсиясига мувофиқ "Темирқоғуқ", "Қизилча", "Тинчлик" МФЙларда яшаётган, "темир дафтар", "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари"да рўйхатда турувчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар мономарказда гардеробчи, ҳуқуқалозорлаштирувчи ва бошқа касбларга ўқитилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.

Ушбу корхонанинг ишга туширилиши туфайли биргина бизнинг маҳалламиздан 90 киши ишга бўлди, — дейди "Тинчлик" МФЙ раиси Раҳима Қозоқова. — Уларнинг муайян қисмини турли ижтимоий дафтарларда турувчи фуқаролар ташкил этади. Жумладан, ишга қабул қилишда "ёшлар дафтари" ва қабоғаллик даражасидаги оилалар аъзоларига устуворлик берилди.

Интеграциялашув сари

Президентимиз 2019 йилда вилоятга ташрифи чоғида воҳонинг салоҳият ва имкониятлари, ишга солинмаган ресурслар, энг муҳими, меҳнаткаш ва фидойи халқ ҳақида тўхталиб, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш ва ҳудуднинг инвестициявий жозибдорлигини янада ошириш лозимлиги, шу мақсадда Навоий вилоятига эркин иқтисодий ҳудуд мақомини бериш ҳамда Нурота туманидаги Фозгон қишлоғини саноат шаҳрига айлантириш ташаббусларини илгари сурган эди. Шу асосда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 15 майдаги "Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан вилоят ҳудуди эркин иқтисодий зона сифатида белгиланган.

Унга қадар, яъни 2008 — 2018 йиллар давомида қиймати 202,8 млн. долларлик 24 та лойиҳа амалга оширилиб, 3322 та иш ўрни яратилган бўлса, 2019 — 2023 йиллар-

да қиймати 386,8 млн. долларлик 53 та лойиҳа ишга туширилиб, 4121 та иш ўрни ҳозирлангани мазкур Фармондаги чора-тадбирлар вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида гоят муҳим аҳамият касб этганини аналтади.

Натижада корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмлари ҳам йилдан-йилга ўсиб, айтайлик, 2018 йилда эркин иқтисодий зона иштирокчилари томонидан жами 2 525,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич қарийб икки баравар ошди. Шунингдек, 2018 йилдаги нисбатан экспорт ҳажмлари 2 баробар юқорилди.

Бироқ ишга туширилган лойиҳалар ёрдамида 2023 йил давомида маҳсулот ишлаб чиқаришда 2022 йилдагига нисбатан ўсиш таъминланган бўлса-да, маҳсулот экспортда қарийб 14,5 млн. доллар йўқотилди.

— Ушбу ҳолат Президентимиз раислигида 2024 йил 18 январь куни инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор ва зифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилиб, мамлакатимизда 24 та махсус иқтисодий зонага соддалаштирилган тартибда ер ажратиши, солиқдан имтиёзлар белгиланганига қарамай, бу имкониятдан тўлиқ фойдаланилмаётгани танқид қилинди, — дейди Навоий махсус иқтисодий зоналар дирекцияси раҳбари Ҳабиб Абдуллаев. — Йиғилишда иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича янги тажриба амалга оширилиши, хусусан, Навоий вилоятидаги махсус саноат зоналарининг майдони хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарувга берилиши белгиланди.

Мазкур танқид ва белгиланган вазиғлардан ҳулоса чиқарган ҳолда ҳар бир йўна-



Сирох АСПОНОВ олган суратлар.

лишда маҳаллий хомашё асосида қўшимча қиймат яратадиган экспортдош маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкинлигини кўрсатиб берган ҳолда лойиҳалар ишлаб чиқилиб, инвесторларга тақлиф қилинди.

Бугун Татаристон Республикасининг "КИП "Мастер" ҳамда "Навоий" эркин иқтисодий зонаси ўртасида бунёд этилаётган "Мастер Навоий" махсус саноат парки шунинг самараси бўлиб, унга 64,4 гектар ер ажратилди.

Лойиҳа қиймати 178,9 млн. АҚШ доллари бўлган ушбу махсус саноат паркида машинасозлик, қурилиш материаллари, электротехника ҳамда кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ижтимоий аҳамияти шундаки, корхона ишга туширилиши натижада 1600 та янги иш ўрни яратилиб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 210 млн. АҚШ доллари ва йиллик маҳсулот экспорт этиши кутилмоқда.

"Навоий" эркин иқтисодий зонасида ҳаётга татбиқ қилинган яна бир лойиҳа тоза ичимлик суви танқислигини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу технология иссиқ ва қуруқ ҳудудларда ҳаводан ичимлик суви олишга мослашган дунёдаги биринчи қурилма ҳисобланади. Усуна бир суткада 1000 литр суви ишлаб чиқаради. Давлат экспортисининг натижаларига кўра, санитария-гиена кўрсаткичлари ушбу сувнинг истеъмол меъёрларига тўлиқ мос келишини тасдиқлади. Энг муҳими, ускунанинг ўртача кунлик истеъмоли жаҳон аналогларидан икки баравар паст ва қайта тикланадиган энержи манбаларидан фойдаланиш имконини беради. Бу айнан Навоий вилоятининг чўл минтақалари учун ҳар жиҳатдан қулай.

— Усуна ҳавонинг намлиги 4 гр/м³ ва 10 — 70°C ҳарорат оралиғида ишлайди, — дея сўзида давом этади Ҳ. Абдуллаев. — Хорижий аналогларда эса бу кўрсаткичлар 8 — 10 гр/м³ ҳаво намлиги ва 25 — 38°C гача бўлган ҳарорат оралиғини ташкил этади. Мазкур ускуна мамлакатимизнинг чўл ҳудудларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларини бартараф этишга қўлмай, маҳсулот экспортида ҳам янги истиқболларни очади. Шу кунга қадар Африка, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёнинг

32 мамлақати ускунанинг хариди юзасидан қизиқиш билдиришди. Шу асосда 2025 йилда "Навоий" ЭИЗ ҳудудига йилига 500 донга атмосфера ҳаводан ичимлик суви олувчи тежамкор ускуна ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Тириклик манбаи

Сув — тириклик манбаи. Ҳудудининг тўртдан уч қисмини чўл эгаллаган Навоий вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш узоқ йиллик муаммо сифатида кун тартибига чиқар экан, "имкони йўқ", деган қисқа жавоб олинар эди. Натижада вилоятда 2017 йил бошларида ҳудуд аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 68,2 фоизни ташкил этиб, ҳатто бугунги кунда ҳам вилоятдаги маҳаллаларнинг 15 фоизга яқини ушбу бебаҳо нозимат таъминоти оғир бўлган ҳудудлар саналади.

Вилоятда ичимлик суви таъминоти йил якуни билан қарийб 85 фоизга етказилиши режалаштирилаётган бўлса-да, Хатирчи туманида аҳолининг 40, Қизилтепада эса 60 фоиздан ошқирогина тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги, Кармана, Наббаҳор ва Конимех туманларида белгиланган жадвал асосида ичимлик суви етказиб беришга муаммоларнинг мавжудлигини инобатга олсак, аҳоли анча оғирлиги ойдинлашади. Табиийки, булар аҳоли қайфиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Башарти сув ресурслари чегараланган экан, мавжудларни чуқуқлаштириш муаммо ечимида энг самарадор омил ҳисобланади. Мазкур масалада Кармана туманида республикамиз ҳудудида илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти тадқиқотлари асосида ишлаш мудири таъйинланган, дезинфекциялаш хоссасига эга қумуш наноэраччалари билан модификациялаштирилган тескари осмотик мембраналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу маҳсулот истеъмолга яроқсиз сувларни молекуляр даражада тозалаш берувчи ускуналарнинг асосий ва мураккаб қисмидир.

"AWAL TECH" МЧЖ томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳа асосида бугунги кунда 2 турдаги мултқа янги маҳсулотлар: "AWAL 4040 тескари осмос мембранаси", "AWAL 8040 тескари осмос мембранаси" ишлаб чиқарилмоқда. Тескари осмос мембраналарида қумуш наноэраччалардан фойдаланилгани унинг рақобатчи маҳсулотлардан устун бўлишини таъминлайди.

лажақда республикамизнинг барча ҳудудида сув филтрлариға хизмат кўрсатувчи сервис марказлари очиб, йирик ташкилотлар билан сув филтрлари соҳасида ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятимиз бор.

Масъулияти чекланган жамият томонидан 2022 — 2024 йиллар мобайнида умумий майдони 75 гектар бўлган 30 дан ортиқ иссиқхона хўжаликларига тескари осмос сув филтрлари ўрнатиб берилди. Бундан ташқари, "Ҳар бир оила — тадбиркор" лойиҳаси доирасида ажратилган кредит маблағлари эвазига яқна тадбиркорлик субъектларига ана шундай маҳсулотлар етказиб берилиб, 128 та оилада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имконияти яратилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, бундай сув филтрлари маиший хўжалик ва ичимлик сувини тозалашга мўлжалланган. Яъни ер остидаги ҳамда шўр сувини тозалайди. Бу эса тоза ичимлик сувиға бўлган эҳтиёжни қаноатлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Демак, вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш энди узоқ йиллик орау эмас.

Куёшдан қувват олиб...

Томдилек чўпон Сапарбой Одиловнинг чорва отари шимолӣ Қизилқумда — вилоят марказидан қарийб беш юз километр олисда қойлашган. Ушбу кенгликлар чорва учун анча қулай — ўт-ўланга бой йилловни алмаштириб, қурғоқчилик ёки қишининг аёзли кунларига чап бериш мумкин.

Сапарбой ога бу ерда чорвадорлар сулоласининг еттинчи авлод вакили. Ота-болалари каби шу кенгликларни ватан тутиб, унга меҳрини берган. Чорвачинг ортидан рўзгор тебратиб, орзу-хавасларига эришмоқда. Лекин отарни электрлаштириш нияти етти авлод алмашиб ҳам орзулиғича қолиб келарди.

— Битта чўпон отарига электр линияси тортиш ўзини оқламайди тўғри, — дейди С. Одилов. — Ўзимизнинг эса етмиш чакримдан уни тортиб келишга қўлимиз калтали қиларди. Шу-шу овулда чўпон чирогини ёқиб, тирикчилик қилдик.

Чўпон отарига яқинда куёш панели ўрнатилиб, оиланинг беминнат электр энержияси билан таъминланиши йўлга қўйилди. Улар энди тунарлар чаргоғини ташқари теле-визор қўриб, янгликлардан бохабар бўлади. Мобиль алоқа воситасида эса қавму қариндош ва яқинлари билан хабарлашиб туради.

— Энг асосийси, чорвачинг сувини қудуқдан тортишда ташвишлардан ҳалос бўлдик,



— сўзида давом этади Сапарбой ога. — Тақдиримизни чорва учун боғлаган биз, чўпонлар учун бу жудаям қулай бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 14 июндаги "Энержия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси асосида "ашил" энержетика имкониятларидан кенг фойдаланишининг жорий этилиши олис чўл ҳудудларида нафақат шу ташкил аҳоли хонадонларини, балки кўнглиларни ҳам чароғон қилмоқда. Шунинг баробарида электр энержияси истеъмолида юкламалар камайиб, барқарорлик таъминланмоқда.

Фикримизни вилоят миқёсида далиллайдиган бўлсак, юқоридаги қарор асосида ўтган йили 1 188,2 млн. кВт-соатга яқин электр энержияси иқтисод қилиниб, белгиланган режа ошири билан бажарилди. Вилоятда ўрнатилган энержия манбаларининг қарийб учдан бир қисми тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келиб, улар куёшдан 10,2 МВт кубватта тенг электр энержияси олишмоқда. Бу ўртача тўрт минг аҳолининг бир йиллик электр энержияси истеъмолига тенг.

— Биз яқинда 20 кВтли куёш панелини ўрнатдик, — дейди наваҳорлик тадбиркор Насиба Жумаева. — Ўз эҳтиёжимизга етиб ортади. Энг муҳими, электр энержияси таъминотида бирорта ҳам муаммога дуч келаятганимиз йўқ. Насиб этса, ортиқча электр энержиясини сотишни режалаштириб турибмиз.

Вилоятда — Карманада куёш, Мурунтоғда шамол электр станцияларининг ишга туширилгани, қатор ҳудудларда бу каби муқобил энержия манбалари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётгани ҳам аҳоли фаровонлигини таъминламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятда аҳолининг бандлиги, тоза ичимлик суви, электр энержияси таъминоти билан боғлиқ узоқ йиллик муаммолар ечимига алоқадор айрим ютуқларига тўхталдик, ҳолос. Албатта, аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қиладиган, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайдиган, ҳозирча ишга солинмаган ресурс ва имкониятлар ҳали талайгина. Улар ҳам босқичма-босқич рўёбга чиқишига шак-шубҳа йўқ. Зотан, Президентимиз раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар шахду шиддати бунга гувоҳлик бериб турибди.

Темур ЭШБОВ («Халқ сўзи».)

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАҒСИЛОТЛАР

Дунёдаги дарахтларнинг 38 фоизи йўқолиб кетиш хавфи остида

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг (IUCN) янгиланган Қизил рўйхатида эълон қилинган Дарахтларни глобал баҳолаш таҳлилига кўра, дунёдаги дарахтларнинг 38 фоизи йўқолиб кетиш хавфи остида.

Бу ҳақда Экология, атропо-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги маълум қилди.

Таҳлилларга қараганда, дунёдаги дарахтларнинг аксарияти IUCN Қизил рўйхатига киритилган бўлиб, баҳоланган 47 282 туридан камида 16 425 таси йўқолиб кетиши мумкин. Дарахтлар ҳозирда Қизил рўйхатдаги турларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади ва хавф остида қолган дарахтлар сони барча хавф остидаги қушлар, сўғмизувчилар, судралувчилар ва амфибиялар сонидан икки баравар кўп.

Мўйноққа янги ичимлик суви қувури тортилади

"Ўзбекистоннинг гарбий қисмида ичимлик суви таъминоти тизимларини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида Мўйноқ туманига янги сув қувурини тортиш ишларига старт берилди. Ушбу лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 1300 дан ортиқ оилаларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилади.



Мўйноққа янги сув қувурини тортиш ишлари Осиё тараққиёт банки ҳисобидан молиялаштирилаётган бўлиб, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 8,21 млн. долларни ташкил этади.

Лойиҳа доирасида тумандаги "Қизилжар" овул фуқаролар йиғинининг Алий, Ҳоким ота, Бўзатов, Амударё, Қипчақдарё, Таллик, Учсай, Тўқмоқ ота каби овуллари ҳамда туман марказидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларига "Туман йиғин" сув сақлагичидан ичимлик суви етказиб берилади.

Қабулда 50 га яқин мурожаатлар назоратга олинди

Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди. Унда 50 нафарга яқин фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши, ижтимоий ёрдам олиш, уй-жой, афв, суд-ҳуқуқ, тергов жараёнлари, оилавий ва мулкий муносабатларга оид ҳамда бошқа масалаларда мурожаат қилди.

Мазкур мурожаатлар назоратга олинди, айримлариға ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, хойига чиқиб ўрганиш зарурати бўлган мурожаатлар Омбудсманнинг минтақавий вакилларига йўналтирилди. Фуқаролар мурожаатларини ҳар томонлама ўрганиш зарур бўлган ҳолларда мутахассислар ва тегишли ташкилотлар вакиллари ҳам жалб этилади.

Пара камондан отиш бўйича Ўзбекистон чемпиони яқунланди

Жорий йилнинг 27 — 30 октябрь кунлари Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида пара камондан отиш бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони ташкил этилди.



Бу галги мамлакат чемпионатида 60 нафарга яқин мерганлар голиблик учун ўзаро баҳс олиб борди.

Яқуний натижаларга кўра умумжамоа ҳисобида қучли учлик — 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Фарғона вилояти ва 3-ўринда эса Самарқанд вилояти, дея эътироф этилди. Голиб ва совриндорлар медал, махсус диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

ЁРҚИН КЕЛАЖАК УЧУН «АҚЛЛИ» ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Сунъий интеллект (AI — Artificial Intelligence) — бу компьютернинг инсон ақлига хос бўлган ўрганиш, қарор қабул қилиш ва ҳаракатларни бажариш қобилияти ўлароқ математика, биология, психология, кибернетика каби фанлар негизда пайдо бўлган. Сунъий интеллект инсониятга «ақлли» дастурларни ёзишга имкон берадиган ва компьютерлар бўйича муаммоларни мураккаб ҳал қилишга ўргатадиган ҳамда жаҳонда шиддат билан ривожланиб бораётган, инсониятнинг ҳаёт тарзини мутлақо янги сифат босқичига олиб чиқиши мумкин бўлган инновацион технологиядир. Демак, сунъий интеллектни «ақлли» компьютер дастурлари деб аташ мумкин. Ўз навбатида, сунъий интеллектни яратишда бошқа жиҳатни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади, яъни ундан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган турли таҳдидларни ҳам эсдан чиқармаслик лозим.



компаниясида сунъий интеллект ривожига 2,9 млрд. доллар ҳажмида маблағ сарфлаган.

Маълумотларга кўра, 2024 йил якунида сунъий интеллект бозори ҳажми 298 млрд. долларни ташкил этиши кутилмоқда, ҳозирда эса бу 207 млрд. долларга тенг. Ушбу рақамлар 2030 йилга бориб тахминан 1,84 трлн. долларга етиши мумкин. Бундан олинмаган даромад ҳажми, масалан, дастурий маҳсулотларни яратишдаги сунъий интеллектдан кўриладиган даромад жорий йилда 94,4 млрд. долларга тенг бўлади.

Юртимизда соҳанинг ривожланиш истиқболлари

Жаҳон иқтисодиёти тармоқлари ичида кейинги йилларда сунъий интеллект технологиялари, асосан, саноатнинг машинасозлик соҳасини қамраб олган бўлиб, у машинасозлик бозорининг деярли 70 фоизини ташкил этмоқда. Ўз навбатида, сунъий интеллектнинг глобал бозори молия, банк, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш, сугурта, энергетика, муҳофаза, телекоммуникация, ҳукумат идоралари ва ташкилотлари фаолиятига ҳам сезиларли таъсир ўтказмоқда. Айниқса, сунъий интеллект кейинги йилларда жаҳонда иқлим ўзгариши, туризм касалликлари тарқалиши туфайли тиббиёт соҳасида тез ривожланиши мумкин. Мутахассислар маълумотларига кўра 2025 йилга бориб, сунъий «ақл»дан фойдаланишда соғлиқни сақлаш тизими мутлақо етакчиликни кўлга олади.

Сунъий интеллектни янада ривожлантириш масаласида дунёнинг йirik корпорациялари, хусусий инвесторлар ва давлатлар ҳукуматлари томонидан катта миқдорда молиялаштириш амалга оширилмоқда. Масалан, дунёнинг энг бой инсонларидан бири Чарльз Лян «Super Micro Computer» компаниясида сунъий интеллектни ривожлантириш мақсадида 6,1 млрд. доллар сармоя йўналтирилган бўлса, яна бир миллиардер Квак Дон Шин «Hanmi Semiconductor»

кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам сунъий интеллектни ривожлантиришга давлатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Хусусан, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси ҳамда Президентимизнинг «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини келтириш мумкин. Мазкур ҳужжатларда сунъий интеллектни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун кўлаي шарт-шароитлар яратиш бериш белгиланган. Натижада юртимизда илк бор Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Устувор тармоқлар ва соҳалар, яъни банк, молия, солиқ, транспорт,

энергетика, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, «электрон ҳукумат» кабиларда сунъий интеллект технологиялари ривожлантирилиб, улар учун малакали кадрлар тайёрланяпти.

Бугунги кунда юртимизда қатор соҳалар ва тармоқларда сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича жадал ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигида ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида тупроқ ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолатини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси ишнинг мониторинг қилиш, банк тизимида тижорат банклари фаолиятини мо-

лика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этиш, шунингдек, 2025 йилда корхона ресурсларини бошқариш тизимини (ERP) жорий қилган йирик хўжалик субъектларининг улушини 90 фоизга етказиш, саноат корхоналарида татбиқ этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES, SCADA ва бошқалар), роботлаштириш, «интернет буюмлар», сунъий интеллект каби технологияларнинг дастурий маҳсулот қисмини 2027 йилгача, аппарат қисмини эса 2030 йилга бориб давлат-хусусий шериклик асосида

ларни тайёрламас эканмиз, соҳани ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ҳар қандай чора-тадбир, йўналтирилган инвестиция ва молиялаштириш жараёнлари кўзланган натижани бермасликда давом этаверадимиз. Демак, сунъий интеллект соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнида мактабгача таълим, умумтаълим, олий таълим ва олий таълимдан кейинги босқичлар ҳам қамраб олиниши, яъни ушбу соҳада кадрлар тайёрлашнинг экотизими яратилмоғи жоиз.

Мамлакатимизда сунъий интеллект ва ITни ривожлантириш ҳамда малакали кадрларни тайёрлашда қатор вазифалар самарали ҳал этилса, албатта, кўзланган маррага етиш мумкин. Хусусан, иқтисодиётимизнинг турли соҳалари учун сунъий интеллект йўналишида малакали мутахассисларни тайёрлашда хорижий етакчи университетлардан ўқитувчилар ва амалиёт мутахассисларини жалб қилиш, олий таълимда сунъий интеллект бўйича бакалаврият ва магистрларнинг ўқув стандартларини халқораво тарафдан кенг фойдаланган ҳолда доимий такомиллаштириш бориш, фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига сунъий интеллект ҳамда шу каби яқин келажақ технологиялари тўғрисида керакли меъёрларни киритиш зарур бўлади.

“ Маълумотларга кўра, 2024 йил якунида сунъий интеллект бозори ҳажми 298 млрд. долларни ташкил этиши кутилмоқда, ҳозирда эса бу 207 млрд. долларга тенг. Ушбу рақамлар 2030 йилга бориб тахминан 1,84 трлн. долларга етиши мумкин. Бундан олинмаган даромад ҳажми, масалан, дастурий маҳсулотларни яратишдаги сунъий интеллектдан кўриладиган даромад жорий йилда 94,4 млрд. долларга тенг бўлади. ”

нитинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, банк хизматлари кўрсатиши сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит тавakkалчилиқни баҳолаш, молия соҳасида бюджет харажатлари, пенсия, ижтимоий ва сугурта тўловлари, шунингдек, нафақа тўловларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш, солиқ соҳасида юридик шахсларнинг солиқ тўшумларини таҳлил қилиш, солиқ тўловларидаги тафовутларни аниқлашда «ақлли» технологиялардан фойдаланиляпти.

Маҳаллийлаштириш кўзда тутилган. Натижада юртимизда рақамли технологиялар миллий бозори ривожлантирилиши IT-парк асосида илгор технологиялардан, хусусан, «Big Data», «IoT», «AI» блокчейн ва бошқалардан унумли фойдаланган ҳолда устувор тармоқлар учун «ақлли» ечимларни ишлаб чиқиш имкониятини яратлади.

Малакали кадрлар тайёрлаш — устувор вазифа

Албатта, бундай юқори кўзланган марраларга етишиш учун рақамли технологиялар, жумладан, сунъий интеллект соҳасида юқори малакали кадрлар авлодини шакллантиришга алоҳида эътиборни қаратиш даркор. Агар биз шу соҳада малакали кадр-

Мамлакатимизда ҳаётни тубдан ўзгартиришга қодир бўлган келажақ технологиялари, жумладан, сунъий интеллектни 2030 йилгача ривожлантириб бориш бош ва қатъий мақсад ўлароқ белгиланди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, биз ўз олдимиизга мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоёмизнинг асосий устувлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Нурбек РИЗАЕВ,
Тошкент кимё халқаро университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори.



Табиат инъоми

Харидоргир Демирсад олмаси

Сўх туманининг машҳур Чашма булоғи бир неча қишлоқларга обиҳаёт бахш этиб, мева ва сабзавотларга ўзгача таъм беради. Шу боис Сўхда етилтириладиган олма, нок, ўрик, шафтоли каби мевалар, картошка сингари сабзавот маҳсулотлари жуда ҳам харидоргир.

Ички бозор эҳтиёжидан ортган мева-сабзавотлар қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинади. Айни пайтда туманда юртимиз бозорларига йилига 15 минг тоннадан зиёд олма етказиб берилди. Шу кунларда Сўхда олма ҳосилини йиғиб олиш мавсуми уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

— Қишлоғимизда Чашма булоғидан сув келади, — дейди Демирсад қишлоғида истикомат қилувчи Файратжон Дўстматов. — Демирсад олмасини бир тишласангиз, юзингизга суви сачрайди, мазасига гап йўқ. Бу олмини табиий усулда қиш-баҳор мавсумида ҳам сифатли сақлаш мумкин.

Ушбу оила аъзолари хонадондаги 8 сотих томорқадан жорий йилда 2 тонна олма ҳосили олишни мақсад қилган. Чорвачилик, картошка етиштириш оиланинг яна бир даромад манбаи ҳисобланади.

Айтиш жоизки, Демирсад қишлоғи Сўхда олма етиштириш борасида энг миришкор ҳудуд сифатида танилган.

«Халқ сўзи».



РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

1. Толали материалларни дастлабки ишлаш	профессор, доцент
2. Механика муҳандислиги	профессор, доцент, ассистент
3. Ўзбек ва хорижий тиллар	катта ўқитувчи, ассистент
4. Меҳнат муҳофазаси ва экология	доцент, катта ўқитувчи
5. Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият	катта ўқитувчи, ассистент
6. Чарм ва пойабзал муҳандислиги	доцент, катта ўқитувчи, ассистент
7. Ипак ва йиғириш технологияси	доцент, ассистент
8. Бухгалтерия ҳисоби ва маркетинг	кафедра мудири, ассистент
9. Иқтисодиёт ва менежмент	кафедра мудири, доцент, ассистент
10. Кимё ва матбаа муҳандислиги	ассистент
11. Тикув буюмлар технологияси ва рақамли инжиниринг	доцент, ассистент
12. Табиий фанлар	доцент, ассистент
13. Олий математика ва компьютер графикаси	доцент, катта ўқитувчи, ассистент
14. Автоматлаштириш ва дастурий инжиниринг	катта ўқитувчи, ассистент
15. Тўқимачилик матолари технологияси	профессор, доцент, ассистент
16. Материалшунослик ва стандартлаштириш	доцент, ассистент
17. Мода ва дизайн	катта ўқитувчи

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топшириши лозим. Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб **бир ой** муддатда қабул қилинади.

Эслатма:
мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказилади.

Манзил:
Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси 5-уй, 1-бино, 208-хона.
Телефон: 71-253-17-78.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. Менежмент назарияси ва амалиёти кафедрасининг мудири (1 штат бирлиги);
2. Давлат бошқарувининг сиёсий асослари кафедрасининг катта ўқитувчиси (0,5 штат бирлиги).

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Танловда қуйидаги номзодларга устуворлик берилди:

■ тегишли ихтисослик бўйича илмий даража (DSc) ва илмий унвонга (профессор), шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фан доктори (DSc) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даража ва унвонларга эга;

■ давлат тилини мукамал, шунингдек, хорижий тиллардан бирини (инглиз, француз ва немис) эркин даражада билган ва IELTS/TOEFL сертификатига эга бўлган («CEFR B2», «C1», «C2»);

■ «SCOPUS» ва «WEB OF SCIENCE» базаларига киритилган нуфузли журналларда мақола чоп этганлиги ва «h-index»га эга;

■ зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ҳамда кўникмалар (педагогик маҳорат, жамоа ва тингловчилар билан самарали ишлай олиш)га эга;

■ дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ва амалий дастурлардан фойдаланиш билим ҳамда кўникмаларига эга бўлган;

■ мутахассислиги бўйича халқаро нуфузли (TOP — 500) олий таълим муассасасини тамомлаган ёки унда фаолият юритган, шунингдек, малака оширган ёки стажировка ўтаган номзодлар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси 45-уй. Тел.: 71-232-60-62, 71-239-89-00.

Маълумотларга кўра, юртимизда жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига саноат соҳасида рўйхатдан ўтган корхоналар сони 113 667 тага етди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6